

# Н.Н. КАРАЗИН АСАРЛАРИДА XIX АСР ОХИРИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

*Рўзибойев Рахимберган Ихтиёрович<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Мақолада Н.Н. Каразиннинг Амударё илмий экспедициясидаги ижодий фаолияти таҳлил этилди. Унинг ижодида қорақалпоқлар хўжалик турмуши, маданияти ва табиати ҳақидаги мавзулар алоҳида аҳамият касб этган.

Айниқса, унинг тарихий портретлари XIX аср охиридаги қорақалпоқ халқининг тарихий этнографияси тўғрисида бой маълумотлар беради. Шунингдек, унинг ижодида XIX аср охиридаги Чимбой ва Хўжайли шаҳарлари ҳақидаги тарихий маълумотлар алоҳида аҳамият касб этган. Н.Н. Каразиннинг «Шимолдан жанубга» романидаги воқеаларнинг бир қисми Жанубий Оролбўйидаги қорақалпоқлар орасида бўлиб ўтади.

**Таянч сўзлар:** Амударё илмий экспедицияси, Амударё бўлими, қорақалпоқлар, Н.Н. Каразин, Хўжайли, Чимбой, Қорақалпоғистон табиати, тарихий картиналар.

Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликлари забот этилгандан сўнг ўлкани ҳар жиҳатдан ўзлаштириш мақсадида иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-статистик, тарихий-этнографик, маданий ва бошқа соҳаларда кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари олиб бориш йўлга қуйилди. Жумладан, Хива хонлиги забот этилгандан сўнг қорақалпоқлар яшовчи Амударёнинг ўнг томони Чор Россияси таркибига киритилади ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Амударё бўлими ташкил этилади.

1874 йил йили рус армияси таркибидаги мутахассисларидан ўлкани ўрганувчи махсус «Амударё илмий экспедицияси» ташкил этилади. Илмий экспедицияга Н.Г. Столетов раҳбарлик қилади. Экспедицияда этнографик статистикалик бўлимга Л.Н. Соболев, Н.Н. Каразин, Риза – Кули Мирза, ўлкани тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганиш учун А. В. Каульбарс, А. Кун, табиати ва экологиясини тадқиқ қилиш учун Н.А. Северцов, ҳайвонотлар оламини ўрганиш учун М.Н. Богданов, ўсимликлар дунёсини ўрганиш учун И.И. Краузе ва бошқа соҳаларда мутахассислар тадқиқот ишларини олиб боришади [2, Б.112-116].

Улардан бири рус ёзувчиси, рассом ва тадқиқотчи Николай Николаевич Каразин (1842-1908 йй.) эди. Унинг ёзувчилик ва рассомлик ижодида қорақалпоқлар ҳаёти ва табиати ҳақидаги мавзулар алоҳида аҳамият касб этади [5, Б.107-109].

Рус рассоми А.Н. Каразин 1874 йилда Хўжайлида бўлганида, унинг ажойиб табиати ва иқтисодий ҳаётнинг юксаклигига ҳайратланиб, «Хўжайли Амударё бўйидаги Венеция» дея таъриф беради. Унинг Хўжайли шаҳрининг кўринишини тасвирлаган сурати «Хўжайли бозори» номи билан 1886 йилда «Нива» журналида чоп этилган. Ўша даврда шаҳар бозорининг марказидан ўтувчи Суванли каналига шаҳарни ўзаро туташтирадиган бир қатор бошқа ариқлар ҳам келиб қўшилган. Каналдан савдогарлар оғир юкларни ташишда кемалар ички алоқа воситаси сифатида фойдаланган, яъни кема ва соллар асосий транспорт вазифасини бажарган. Тарихий-географик маълумотларга кўра, Суванлидан Буйрачи, Ипакчи, Жадугар қозган, Баҳайбек, Кўлоб, Қайрангли сингари ариқлар сув олиб, уларнинг айримлари кўча вазифасини ўтаган.

1. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси мутахассислиги магистранти (тарих)





**Н.Н.Каразин. “Хўжайли Амударё бўйидаги Венеция” картинаси. 1874 йил.**

Н.Н.Каразиннинг “Нокис-Хўжайли соҳили” картинасида ҳам савдогарларнинг катта кемаларда юкларни дарёнинг иккала соҳилларига ўтказаятган манзараси тасвирланган [4,204-205]. Ўша даврда савдогарлар нафақат дарёнинг иккала соҳилидаги халқларни ғалла, балиқ ва бошқада маҳсулотлар билан таъминлаб туришган, балки Амударё юқори оқими бўйлаб Чарджоу шаҳригача ва Орол денгизи орқали Қазали шаҳрига қадар турли хил молларни етказиб беришган[5,Б.107-109].

Экспедиция аъзоси, rassom Н.Н. Каразин тўпламида "Нукус овули" деб номланган картинаси ҳам бор. Картинада ўша даврдаги Нукус овули қора уйларга ўралган жуда ихчам қишлоқ макони сифатида кўрсатилган. Дарахтлар орасига ўрналган қора уйларга салқин шабада эсиб туради.

XIX асрнинг охирида Нукус бўлислигида оқсоқоллар томонидан бошқариладиган 46 та овул ва қишлоқ маконлари мавжуд эди. Нукус бўлиси худуди жанубдан Қоратаў тоғи ва Чилпик ёдгорлигидан шимол томонда Зайирга қадар сарҳадлари чўзилган эди. 1876 йилдан 1916 йилга қадар Иният Ниязов Нукус бўлисини бошқарган. Иният бўлис қўрғони ҳозирги Нукус шаҳридаги Қизкетган каналидан бошлаб аэропортга қадар бўлган худудда жойлашган.


Н.Н. Каразиннинг «Шимолдан жанубга» (С Севера на юг. –СПб., 1905, Изд. П.П.Сойкина) романидаги воқеаларнинг бир қисми Орол денгизи жанубий соҳилларидаги қорақалпоқлар орасида ва Хива хонлигида бўлиб ўтади. Шоир романда бош қаҳрамон образи орқали экспедиция давомида ўз йўлида кўрган Оролбўйи табиати манзарасини, шаҳарлар ва инсонлар ҳаётини ишончли тарзда баён этади. Романнинг бош қаҳрамони Степан ўз севгилисини қидириб юрган вақтида қорақалпоқ балиқчилари орасида ҳам бироз вақт яшайди. Шунингдек, унинг Тўқмоқ ота ҳақидаги афсонаси қорақалпоқ балиқчиларининг ўтмишдаги турмуш тарзи тўғрисида қизиқарли маълумот бўлиб топилади.

Н. Каразин томонидан Чимбой шаҳари ҳақида ҳам кўплаб тарихий ҳикоялар ва ривоятлар ёзиб олинган. Масалан, унинг «Шимолдан жанубга» романида Чимбой шаҳри батафсил таърифланган, ушбу маълумотлар бўйича қадимий Чимбой шаҳарининг макетини қайта тиклаш мумкин[5,Б.107-109].

1874 йилги Амударё илмий экспедициясининг аъзоси сифатида Н.Н. Каразин қуйи Амударё бўйидаги шаҳарларда ва аҳоли маконларида бўлади. Унинг ижтимоий ҳаётга оид мотивлардаги таърифларида меҳнаткаш аҳоли бўлган деҳқонлар, чорвадорлар, балиқчиларнинг оғир ҳаёти кўрсатилган [4,Б.204-205].



Н. Каразиннинг рассомчилик ижодида қорақалпоқлар мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди [5, Б.107-109]. У Тарас Шевченкодан сўнг Россия рассомлари орасида биринчи бўлиб қорақалпоқлар турмуш тарзини живописда таърифлайди. Қорақалпоқ халқи ва ўлкаси табиатининг ўзгачаликларини Россия ва Ғарбий Европа давлатларининг турли нашрлари (Живописная Россия, Т. Ч. 1885, «Всемирная иллюстрация». Т., XIII, 1875), (Журнал «Нива», № 44, 1874 ва бошқа) орқали кенг жамоатчиликга таништиради. Унинг «Орол денгизи кўриниши», «Орол денгизи», «Устюрт», «Амударё эшкакчилари», «Қорақалпоқ», «Қорақалпоқлар уйи», «Қамишли сохил», «Қабан», «Йўлбарс», «Баланд далаликлардаги кийик», «Саксовул», «Сариқ кўлдаги балиқчилар», «Кичкина арава», «Қорақалпоқлар турлари», «Нукус кишлоғи», «Чилпик кўрғони», «Ёниб турган олов атрофида» каби картиналари ўша даврдаги қорақалпоқлар ҳаёти ва гўзал табиати тўғрисида тарихий маълумотлар беради [1,3,Б.255-259].



### Н.Н. Каразин. «Қора уй» ва «қорақалпоқ балиқчилари» картиналари.

Н.Н.Каразин тадқиқотчи сифатида ҳам бир қатор ишлар олиб борди. У 1874 йили Чимбой бозоридан саксон ёшли кампирдан «Хотинлар хонлиги» ва унга ўхшаган бир неча афсона ва эртакларни ёзиб олади. Бундай халқ оғзаки ижоди дурдоналари, қорақалпоқ фольклори маржонлари ҳисобланади. Н. Каразин Чимбой шаҳари ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: Чимбой шаҳари бозори, кўчалари тор ва қисқа. Чимбойда тошдан қурилган уйлар кам. Бутун шаҳар паҳса деворлар билан 1,5 верст (1 верст-1066,8 метр) атрофида девор билан қуршалган. Қорақалпоқлар ёзда далага кўчишиб, қишда қишлоқ учун Чимбой шаҳарига қайтиб келишади. Улар ҳосилни биргаликда йиғишади. Қорақалпоқлар умумий аҳолиси қирқ минг қора уйга яқин.

Кегейли ирмоғи Чимбой шаҳари марказий кўчаларининг биридан оқиб ўтади. Кегейли ирмоғининг қуйи қисми бир нечта ариқларга ажралиб кетади. Кегейли ирмоғи – бу Чимбой шаҳари ҳаёти, у асосий сув йўлларида бири бўлиб ҳисобланади [5,107-109].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Николай Николаевич Каразиннинг «Амударё экспедицияси» давридаги тадқиқотлари давомида йиғилган тарихий ва халқ оғзаки ижодига оид маълумотлари, шунингдек тарихий портретлари XIX аср охиридаги қорақалпоқ халқи маданияти тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга манбалардан бири ҳисобланади. Бугунги кун тарихчиларининг вазифаларидан бири Н.Н. Каразиннинг турли жанрлардаги асарларини янада тўлиқроқ, кенг кўламда ва батафсил ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Живописная Россия Том. X. -СПб., - Москва. 1885.
2. Луин Б.В. Средняя Азия в дореволюционное и советское востоковедение. - Ташкент: Фан, 1990.
3. Нурмухамедов М.К. Шығармаларының еки томлығы. I том. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1983.



4. Каразин Н.В. Низовья Аму. Путевые очерки «Вестник Европы» 1875. № 2-3. // Туркестанский сборник. Том, 76. -С. 204-205.
5. Turganov B.Q. Qaraqalpaqstan tariyxinan derekler (XVII-XIX ásirlerdegi Rossiyalı elshi hám sayaxatshılardıń maǵlıwmatları tiykarında). -Nashkent. Tafakkur-bo`stani. 2019.

